


“Долзарб 40 кунлик”



“Долзарб 40 кунлик” доирасида туманда кўааламзорлаштириш ишлари кенг қулоч ёзмоқда. Ҳар куни эрта тонгдан ташкилот, корхона ва муассасалар, кўча четларига мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилмоқда.

Туман МТТ ҳамда Санитария ва эпидемиологик осойишталиги ва жамоат саломатлиги бўлимида ҳам дарахт экиш ишлари амалга оширилди. Туман ҳокимининг ўринбосарлари хайрли ташаббусга жонбозлик кўрсатишди.